

06/01/2024

Тошкент ш.

Чиқиши рак.: № 06/01/24-01

**Ўзбекистон Республикаси
Олий таълим, фан ва инновациялар
Вазирлигига**

Ўзбекистон Республикаси **HR Business Partners Association** (HRBPA) уюшмаси ушбу мактуб билан Сизга ўз хурматини бажо келтириб, қуийдагиларни таклиф қилишни ўз бурчи деб билади.

Натижага интилувчи, ўз ғоясига эга, масъулиятли, билим ва тажрибаларини компания ривожи йўлида сафарбар қилишга қодир бўлган профессионаллар (ҳамкорлар – консалтинг фирмалари)дан иборат эксперталар жамоаси – Уюшма атрофида бирлашган. HRBPA бизнес-вазифаларни ҳал қилишда ижодий ёндашув ва новаторликдан фойдаланган ҳолда мижозларга компанияларда муваффақиятга эришишда ёрдам беради.

Маълумки, ҳар қандай ўзгариш одамлардан бошланади, улар эса, ўз навбатида, компания ва мамлакат капиталидир. Шунинг учун биз ҳар бир ишни пухта ўрганиб, энг қисқа вақт ичидаги муваффақиятга эришишингизга ёрдам берадиган ечимларни ишлаб чиқамиз. Бу барча соҳалар: ходимлар танлови, кадрлар консалтинги, бухгалтерия бўйича консалтинг, меҳнатни хавфсизлигини таъминлаш, корпоратив бренд яратиш, тадқиқотлар ўтказиш ва ҳоказоларга тааллуқлидир.

Конференциянинг мақсади. Биз тажриба, амалиёт билан ўртоқлашишга тайёрмиз ва халқаро даражада нетворкинг – тажриба алмасишдан манфаатдормиз. Биз бу билан тренинглар, семинарларда ўртоқлашишни ва янги ҳамкорлар билан биргаликда бир марталик ёки доимий ўкув дастурларини ишга туширишни режалаштироқдамиз. Айни пайтда бизнинг жамоамиз тренинглар мазмуни устида иш бошлаган бўлиб, унда хоҳловчилар малақага эга бўлишлари мумкин. Бошланишида **Ўзбекистон HR Business Partners Association уюшмаси ва компаниялар, ОТМлар – бирлашиш вақти келди!** номли биринчи халқаро конференция ўтказишни режалаштироқдамиз.

Санаси 2024 йил 26/27 февраль этиб белгиланган.

Иштирокчилар – бизнес эгалари, тадбиркорлар, HR ҳамкорлар (мутахассислар, эксперталар).

Фаолият соҳалари – банклар, давлат муассасалари (вазирликлар, ҳокимликлар, таълим сектори, таъминот, саноат сектори, қишлоқ хўжалиги сектори ва бошқалар), жамоат бирлашмалари, тадбиркорлик ва бошқалар.

Конференцияда 250–300 нафар киши иштирок этиши режалаштирилган.

Таклиф этилаётган **дастур лойиҳасида** маъruzачилар ва иштирокчилар рўйхати аниқлаштирилиб, тасдиқланиши арафасида ўзгартириш киритилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Дастурда савол-жавоб, мунозара, ўзаро мулоқот ва иштирокчиларга дуал таълим борасидаги ўз тажрибалари ва тадқиқотлари билан ўртоқлашиш учун вақт ажратилади. **Кўргазма зонаси** ташкил этишни олдиндан кўзда тутишни таклиф қиласиз, чунки у ерда иштирокчилар дуал таълим билан боғлиқ **инновацион маҳсулотлар ва хизматлар** билан танишишлари мумкин. **Бўш иш ўринлари ярмаркаси** – ОТМлар ўз таълим йўналишларини реклама қилиш учун майдончадан фойдаланишлари мумкин (*ариза 2024 йилнинг 20 январидан кечиктирмасдан берилиши лозим).

Биз конференция иштирокчиларига Ўзбекистон ОТМларида маҳорат дарсларини ўтказиш, шунингдек, норасмий мулоқот ва тажриба алмасиш учун кечки тадбирда қатнашиш имкониятини таклиф қиласиз (*алоҳида шартлар билан).

Эслатма: Хорижий иштирокчилар хоҳиишига қўра Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларига 3 кунлик саёҳат уюштирилади (ариза 2024 йилнинг 25 январидан кечиктирмасдан берилиши мақсадга мувофиқ).

ЛОИХА

“Дуал таълим халқаро тажрибаси – касбга йўналтириш, малака ошириш” мавзуси бўйича конференция дастури

Конференциянинг 1-куни

09:00–09:30	Иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш ва табриқ
09:30–10:00	Конференциянинг очилиши ва кириш сўзлари
10:00–11:00	Мавзу бўйича асосий маъruzалар: “Дуал таълим: афзалликлари ва муаммолари” (3/4 нафар маъruzachi) 11:00–11:30 Қаҳва танаффуси + ўзаро тажриба алмасиш
11:30–12:30	Мутахассислар гурухи муҳокамаси: “Дуал таълимни жорий этиш тажрибаси: илгор тажриба ва сабоқлар”
12:30–14:00	Тушлик
14:00–15:30	Параллель сессиялар 1-сессия: “Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш” 2-сессия: “Иқтисодиётнинг турли секторларида дуал таълим

	дастурлари” 3-сессия: “Дуал таълимда технологияларнинг роли”
15:30–16:00	Қаҳва танаффуси + ўзаро тажриба алмашиш
16:00–17:30	Ишчи гуруҳлар: 1-гуруҳ: “Дуал таълимга талабаларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш стратегияси” 2-гуруҳ: “Дуал таълимда баҳолаш ва сертификатлаш” 3-гуруҳ: “Дуал таълим доирасида халқаро ҳамкорлик ва алмашинув”
17:30–18:00	Конференциянинг биринчи куни сарҳисоби

Конференциянинг 2-куни

09:00–09:30	Иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш ва иккинчи куннинг очилиши
09:30–10:30	Мавзу бўйича асосий маъruzalар: “Дуал таълимда инновациялар: янги тенденциялар ва имкониятлар” (3/4 нафар маъruzachi)
10:30-11:00	Қаҳва танаффуси + ўзаро тажриба алмашиш
11:00–12:30	Мутахассислар гурухи муҳокамаси: “Дуал таълимни ривожлантиришда ҳукумат ва бизнеснинг роли”
12:30–14:00	Тушлик
14:00–15:30	Паралель сессиялар 4-сессия: “Таълим тизимида дуал таълим интеграцияси” 5-сессия: “Дуал таълим соҳасидаги муваффақиятли лойиҳалар ва ташаббуслар” 6-сессия: “Дуал таълимда ўқитувчилар ва тренерларни қўллаб-қувватлаш”
15:30–16:00	Қаҳва танаффуси + ўзаро тажриба алмашиш
16:00–17:30	Якуний ялпи сессия: “Дуал таълим келажаги: муаммолар ва истиқболлар”
17:30–18:00	Конференциянинг ёпилиши ва тақдирлаш маросими

Хурмат билан,

Уюшма раиси



A handwritten signature in black ink, appearing to read "M.R.Bilalova".

M.R.Bilalova

R*: Модулли таълим тизими билан (касбга йўналтириш) қизиқишлари ва қобилиятларига келиб чиқган холда танлаш имкониятини беради. Ушбу ёндашув, орқали талабаларга ўз қизиқишларига орқали ўз истеъдодлари асосида курсларни танлаш имконини беради.

Модулли таълим ва касбга йўналтириши тизими бўйича конференцияси қўйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

1. Модулли таълимнинг муҳимлиги: Конференцияда модулли таълимнинг касбга йўналтиришда умумий муҳимлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш.
2. Модулли таълимнинг амалиётда қулайлиги: Таълим модулларини касбга йўналтириш процессини қулайлаштириш ва ўқувчиларнинг ўзларини яхши тайёрлаш ва амалиётда қулайлик яратиш масалалари.
3. Таълим модулларини ишлаб чиқиш: Модулли таълимни ишлаб чиқиш процесси, модулларни тайёрлаш ва тестлаш масалалари.
4. Таълим модулларини ташкил этиш: Модулли таълимни ташкил этиш ва уни амалга оширишда керак бўладиган асосий чоралар.
5. Таълим модулларини мониторинг ва оценка қилиш: Модулли таълимнинг амалиётда қандай сифат ва эффективликка эга бўлишини мониторинг қилиш ва баҳолаш қилиш масалалари.
6. Модулли таълимнинг мазмуни ва мавзуси: Таълим модулларининг мазмун ва мавзуси, касбга йўналтириш учун керакли мавзуларни ҳамда модулларни танлаш ва ишлатиш масалалари.
7. Таълим модулларини янада ривожлантириш: Модулли таълимнинг янада ривожлантириш масалалари, янги методика ва технологияларни қўллаш, янгича модулларни ишлатиш ва ҳокимиятни янада ошириш.

Конференция тажриба алмашиш, модулли таълим ва касбга йўналтириш тизимини жорий этиш бўйича янги стратегия ва методикаларни ишлаб чиқиш учун платформа яратилиши бу эса ўз навбатида Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда битиравчиларнинг таълим сифати ва бандлигини оширишга хизмат қиласди.